Тошкент ҳақиқати

№ 19 (10.596).

1994 йил 23 март чоршанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОКДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.

НАВРЎЗ: УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАЛАРИ

● ТОШКЕНТ. 1994 йил 21 март. Наврўз тантаналари.

Р. Жуманиёзов, А. Зуфаров суратлари. (ЎзА).

Дилларни орзиқтирган кунларга етдик — юртимизга муборак байрам — Наврўзи олам ташриф буюрди. Халқимиз бу йилги Наврўзга пухта тайёрланди. Байрамнинг биринчи куни ватанимиз пойтахти —Тошкентнинг майдон ва сайилгоҳлари, боғ ва ҳиёбонлари Наврўзни олқишлаб кўчага чиққан хуш-хандон чеҳралар билан гавжум бўлди.

Наврўз тантаналари 21 март куни Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги миллий богда бошланди.

Халкимизнинг энг мўътабар байрам ва сайиллари ўтадиган бу маскан улуғ айём олдидан ўзгача кўрку чирой касб этди. Бир ёни «Халқлар дўстлиги» саройи билан, бир ёни буюк мутафаккир ва шоир ёдгорлиги билан туташиб кетадиган улкан саҳнга афсонавий шаҳарларни эсга солувчи ранго-ранг чодирлар, мовий гумбазлар тикилган. Ҳавода турли рангдаги байроқлар хилпирайди. Ноз-неъматга тўла байрам расталари кўзни қамаштиради. Кўкда ҳаво шарлари парвоз этади. Майдонда улкан саҳналар барпо этилган. Унинг теваракда эса тошкентликлар, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари вакиллари билан гавжум. Наврўз тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан меҳмонлар иштирок этмоқда.

Соат ўн бирда Алишер Навоий ҳайкали пойидаги шоҳсупадан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи З. Ҳалилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари жой олади.

Тошкент маҳалла оқсоқолларининг вакили О. Алимаҳсумов Наврўзга, баҳорга, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикка шукроналар айтиб, байрам тантаналарига Оқ фотиҳа беради. Майдондаги саҳналардан, ён-атрофдаги кўкўпар бинолар томидан карнай наволари янграйди. Атрофга гўё янги кун кирганидан дарак бергандай, шуъла-аланга таралади. Кўнгилга завқ бериб мусиқа жаранглайди. Майдоннинг бош саҳнасида сочларига гулбаргаклар тақиб, қўлларида баҳор рамзи — гул ва чечаклар тутган жажжи болакайлар пайдо бўлади. Улар ижросида Наврўз удумларига хос қўшиқлар, рақслар, ўйинлар ижро этилади.

Республикамизнинг довруғ қозонган «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон», «Ўзбекистон», «Тановар» каби ашула ва рақс бадиий жамоалари, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари, Тошкент шаҳридаги ҳаваскорлик дасталари вакиллари ҳамкорликда «Деҳқон байрами» сюитасини ижро этади. Ранго-ранг матолар еру кўкка чулганиб, мутаносиб ҳаракатлар ила ажиб манзара яратади. Гўё олам зангори нафасга, Наврўз сасига тўлгандай бўлади...

Байрамга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнографик дасталар ижросидаги қўшиқ-лапарлар, халқ турмушини акс эттирувчи томошалар, ўйинлар ўзгача файз бахш этади.

Бу ердаги Наврўз тантаналари байрам иштирокчилари ижро этган «Алёр», «Наврўз» таронаси билан якун топади.

Майдон атрофида халқ сайли давом этади. Байрам иштирокчилари дошқозонлардаги ош, сумалак каби таомлар, расталардаги турли-туман ширинликлар, наврўз егуликларидан тотинадилар.

Ўзбекистон миллий богида халқ томошалари, сайиллар ўзгача тус олади. Шодон болаларнинг қийқириқлари жаранглайди. Боғ майдонларида дорбозлик томошалари бўлади, куй-қўшиқ авжига чиқади.

Мустақиллик майдони ҳам шу куни ўзгача тароват касб этди. Турли-туман ширинликлар, болалар ўйинчоқлари, умумий овқатланиш корхоналари пазандалари тайёрлаган миллий таомлар Наврўз сайлига чиққанларга тортиқ этилди. Ўзбек рассомлари асарлари кўргазмаси, китоб савдоси ташкил қилинди, айниқса, дошқозонлардаги сумалак, болаларнинг варрак сайли байрамга янада кўрк бағишлади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1994 ЙИЛИ МИРЗО ЭЪЛОН ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ ўзбек олими, мунажжим, математик, физик, меъмор, темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси, йирик давлат арбоби Муҳаммад Тарағай —Улуғбек (Мирзо Улуғбек) таваллудига 600 йил тўлиши муносабати билан:

жамоат фикрини қувватлаб, алломаннг жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига қўшган улкан ҳиссасини эътиборда тутиб:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилоти (ЮНЕСКО) бош конференциясининг 27-сессияси қарорига кўра Мирзо Улуғбек юбилейи жаҳон қадриятлари рўйхатига — 1994 йилда дунё миқёсида нишонланадиган байрамлар қаторига киритилгани ва шу муносабат билан ташкил этиладиган халқаро тадбирларни ҳамда республикада олиб борилаётган улкан хайрли ишларни инобатга олиб:

ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларнинг илм-маърифатга бўлган интилишини рағбатлантириш ҳамда мустақил Ўзбекистон илм-фани ривожига кўмаклашиш мақсадида 1994 йил Ўзбекистон Республикасида Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 19 март.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги 1994 йилги Алишер Навоий номидаги давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Республика Бош вазири А. Муталов маросимни очиб, бундай деди:

— Маданнятимизнинг бир гуруҳ вакилларига Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотининг ёрлиқ ва нишонини топшириш маданий ҳаётимиздаги катта воқеадир. Наврўз байрами арафасида сизларга, аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг самимий қутловини етказишга рухсат этгайсиз. Президентимизнинг Фармонига биноан ўзбек ижодкорлари билан бирга Россия Федерациясининг фуқароси Евгений Розанов ва Туркия Республикаси фуқароси Аҳсан Ботур ҳам 1994 йилги Алишер Навоий номидаги мукофотга сазовор бўлди. Бу — санъат ва адабиётимизнинг нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун дунёдаги муҳлисларини беҳад қувонтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси раиси П. Қодиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ўқиб эшитирди.

Республика Бош вазири А. Муталов мукофот соҳибларига олий мукофотнинг диплом ва нишонини топширди.

А. Орипов, Е. Розанов, Шароф Рашидовнинг қизи С. Рашидова ушбу юксак мукофот учун республика Президентига, ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди.

Мукофотларни топшириш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский, Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чўтур иштирок этди.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ ноиблари! Азиз дўстлар!

Сизлар билан муқаддас Наврўз арафасида, дунё маданияти ва илмига, мусулмон маънавияти хазинасига буюк ҳисса қўшган Бухорои шариф заминида кўришиб турганимиздан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизларга юксак ишонч билдириб, нонб этиб сайлаган инсонларнинг барчасига мамлакат раҳбариятининг байрам табригини ва энг эзгу тилакларини етказасиз, деб умид қиламан.

Ҳурматли ўртоқлар!

Ҳозир Ўзбекистон ўз тарихининг шу қадар масъулиятли ва шарафли даврини бошидан кечирмоқдаки, арафа кунлари ҳам, байрам кунлари ҳам иш ва келажак режалари хусусида ўйлашга тўғри келяпти. Ҳар кун, ҳар соат ва ҳар бир дақиқа бизлар учун ганимат.

Бугун биз Бухоро вилоятида юзага келган вазиятни муҳокама этиш учун йиғилдик. Лекин бу ерда йиғилган одамларни мамлакатдаги аҳвол, унинг ички ва ташқи сиёсати масалаларида ... гиз билан асосий мақсад ва муддаолар ҳақида, ўзимиз тутган йўл ҳақида, устивор йўналишлар ҳақида, орттирилган тажриба ва дастлабки хулоса ҳамда натижалар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ички сиёсат ҳақида. Бу борадаги барча ишларимиз мамлакат мустақиллигини, жамиятнинг яратувчилик салоҳиятини кучайтиришга қаратилган.

Мустақиллик хусусида жуда кўп гапирилади ва ёзилади. Ғоят баландпарвоз, ғоят чиройли гаплар айтилади. Мустақилмиз, дея кўкракка уриб бир гапирганда дунёнинг бу бошидан кириб, у бошидан чиқадиган биродарларимиз ҳам бор.

Лекин, азиз дўстлар, мустақилликни мен жуда содда тушунаман. Унинг маъноси жуда оддий. Мустақиллик дегани шуки, бизлар асрлар оша бировларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдирнимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қайта қўлдан бермаслик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Авваламбор, Сизнинг Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва тотувликнинг барқарор бўлиши, Ватанимиз иқболи, халқимиз бахт-саодати йўлида қилаётган бетиним меҳнатингизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Юргизаётган изчил ва халқчил сиёсатингизни якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқлигига, иншооллоҳ, бугун барча ишонч ҳосил қилиб турибди.

Амалга оширилаётган, ҳар бири асрга татигулик тарихий ишларингиз орасида миллий богда бошланди.

Халкимизнинг энг мўътабар байрам ва сайиллари ўтадиган бу маскан улуғ айём олдидан ўзгача кўрку чирой касб этди. Бир ёни «Халқлар дўстлиги» саройи билан, бир ёни буюк мутафаккир ва шоир ёдгорлиги билан туташиб кетадиган ... мизни таъминлаш, инсоний фазилатларимизни юксалтириш, соғлом авлодни камол топтириш борасидаги юксак масъулиятимизни теран англаб янада кўпроқ меҳнат қилишга даъват этади.

Ушбу шукуҳли кунда беҳад шарофатли ва саодатли, меҳр-оқибат, маънавий юксакликка мушарраф этгувчи муборак Наврўз умумхалқ байрамини баланд руҳ билан нишонлаш бахтига муяссар бўлаётганимиз учун Оллоҳга шукроналар айтамиз.

Ҳурматли Президентимиз. Сизни қутлуғ айём — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этамиз. Наврўзимиз шарофати ила юртимизда байрам дастурхони ёзилмоқда экан, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам Исломобод маҳалла маданий марказида Тошкент шаҳар жамоатчилиги ҳамда меҳмонлар учун 21 март куни наҳорги ош бериш ҳамда етмиш ва саксон ёшга тўлган ўн беш маҳалла оқсоқолини табриклаш тараддудидадир.

Сизга мустаҳкам тансиҳатлик, саодати абадия, олижаноб фаолиятингизга ... дан узоқ йиллар эл-юртимизга бош бўлиб юришингизни тилаб қоламиз.

Кабир ота КОМИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Юнусобод туманидаги «Янги ариқ» маҳалласи оқсоқоли;

Ориф ҳожи АЛИМАҲСУМОВ, Ўзбекистон халқ артисти, Яккасарой тумани «1-Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли;

Сандиаби ҳожи САИДКАРИМОВ, Собир Раҳимов туманидаги «Беруний» маҳалласи оқсоқоли;

Сайфулла ОҚМИРЗАЕВ, М. Улуғбек тумани «Гулистон» маҳалласи оқсоқоли;

Акбар ҳожи АКБАРОВ, Шайхонтоҳур тумани, «Сарҳумдон» маҳалласи оқсоқоли;

Қодирхўжа ИУЛДОШЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ҳамза тумани «У. Юнусов» маҳалласи оқсоқоли;

Юсуфхўжа БАҲРОМОВ, Чилонзор туманидаги Катта Қозиробод маҳалласи оқсоқоли;

Шукур ТЕМУРОВ, «Ма...

СОХТА ДАЪВОЛАРГА УЧМАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИ ОҚСОҚОЛЛАРИНИИГ РЕСПУВЛИКА ФУҚАРОЛАРИГА

М У Р О Ж А А Т И

Азиз дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Донолар умр кечириш томоша ҳам, байрам ҳам эмас, бениҳоя мушкул бир машғулотдир, деб бежиз айтмаган. Умрнинг ҳар бир лаҳзасига ибратли ва фойдали мазмун бахш эта олган одамгина бахтлидир.

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Унда барча халқлар эмин-эркин яшамоқда, дини, маданнятини камол топтирмоқда. Хусусан, бу йил буддага эътиқод қилувчилар янги йилни ўз тақвимларига кўра байрам қилди. Христианлар пасхага тайёрланмоқда. Мусулмонлар Рамазон ойининг 30 кунлик рўзасини ado этиб, йили Рамазонни мамиз эзгулик ва баҳор айёми — Наврўзни кутиб олиш тараддудидамиз. Шунинг ўзиёқ мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик республикадаги барча халқлар манфаатига мос эканидан далолат беради.

Яхши гап билан бир-бировга далда бўлиш ҳайрли иш. Таассуфки, баъзан қайдандир эшитилиб қолаётган бегона овозлар таъбимизни хира қилади. Чамаси, ҳаётимиздаги умумий муроса, бир-бировни тушуниш, ҳамдарду ҳамнафаслик кимларгадир хуш келмаётган кўринади. Ишончимиз комилки, ҳақиқий юрт ўғлонлари Ватанга ёмонлик соғинмайди. Аммо «мухолифат» деб аталмиш бир гуруҳ —аниқ иқтисодий ва нжтимоий дастури бўлмаган, давлат ишларидан мутлақо бехабар тини танқид қилмоқда. Мушкул вазиятнинг мушкул муаммоларига мужмал ва суст жавоб бериш ила ҳақлилик даъво қилиш осон, албатта! Аммо шуннг билан мурод ҳосил бўларми-кан?

Бнз, республикамиз фуқароларига мурожаат қиламиз: шундай масъулиятли дамларда ақл-заковатимизни ишга солиб, Наврўзнинг хайрли анъаналарига амал қилиб, янада тотув ва ҳамжиҳат бўлайлик, сохта даъволарга учмайлик.

Шу азиз Ватан, шу муборак замин, аждодлар ва авлодлар ҳаққи-ҳурмати, тинчлик ва осойишталикни сақлайлик!

Ж. Ортиқов, «Олтинкўл» маҳалла оқсоқоли; С. Қосимов, Шароф Рашидов номидаги маҳалла оқсоқоли; А. Тўрабоев, «Баротхўжаев» маҳалла котиби; Т. Содиқов, «Файзнобод» маҳалла оқсоқоли; М. Усмонов, «Байналминал» маҳалла оқсоқоли; А. Раҳимов, «Навбаҳор» маҳалла оқсоқоли; Ш. Иброҳимов, «Толариқ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. Р. РАҲМОНОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мавлон Раҳимович Раҳмонов Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1994 йил 22 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Д. С. ЕДГОРОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Дамир Салихович Едгоров пенсияга чиқиши муносабати билан Бухоро вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1994 йил 22 март.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз бугун она-Ватанимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзини ўзгартириш ва юқори даражага кўтариш, фарзандларимизнинг бахтли келажагини яратиб бериш имкониятига эгамиз. Агар бу имкониятни қўлдан бой бермасак, бизни асло кечириб бўлмайди. Қисқача айтганда, мустақиллик аввалambор иқтисодиётимизни юксалтириш, шу заминда яшаётган ҳар бир оила ва инсонни фаровон, эркин ҳаётга етказиш, шу мақсадда келажагимизни қуриш учун керак.

Ўзбекистонни ардоқлаган ҳар бир инсон мустақиллик тушунчасига ана шундай муқаддас муддао нуқтаи назаридан ёндашиши лозим.

Хўш, муддао аниқ экан, мақсадимиз равшан экан, уларга қайси йўл ва қандай сиёсат билан эришамиз?

Иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликдан чиқиш учун бозор иқтисодиётини танладик. Бунинг сабаби — ўзимизнинг 74 йиллик аччиқ тажрибамиз. Дунёдаги мутараққий давлатларнинг тажрибаси маъмурий-буйруқбозлик йўли билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслигини исботлади.

Бизлар воз кечган эски тизимнинг энг катта қусури шу эдики, унда хусусий мулк ман қилинган эди. Ҳаётий тажрибамиз шуни кўрсатдики, мулкдан жудо бўлган одамда изланиш, интилиш ва ташаббус йўқолар экан. Бу — объектив ҳақиқат ва бунн асло инкор этиб бўлмайди.

Биз юритаётган иқтисодий сиёсатнинг негизи шуки, мулк албатта эгасини топиши керак.

Собиқ совет замоннда мулк давлатники эди. Халқ мулки деб жар солинарди, лекин аслида бу мулкнинг тайинли эгаси йўқ эди. Бизлар мустақилликка эришгандан кейин мулк шаклларини ўзгартириш борасида кўп ишларни амалга оширдик. Мулкнинг барча шакллари, шу жумладан, хусусий мулк ҳам ҳуқуқий жиҳатдан баробар деб эълон қилинди.

Хусусий мулкнинг ўз ўрни ва давлат тарафидан ҳимоя этилиши — Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси саҳифаларида зикр этилган.

Биз хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини пухта яратдик. Навбатдаги вазифа — хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг механизмларини ишлаб чиқишдан иборат эди.

21 январда чиқарилган Президент Фармони ана шу олижаноб ниятнинг маҳсули бўлди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичини мантиқан якунловчи бу фармон билан биз янги, ўта масъулиятли даврга қадам қўйдик.

Янги босқич ҳақида гапиришдан олдин аввалги босқичнинг мазмуни ва якунлари ҳақида фикр юритмоқ мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мен бир нарсани фахр билан айтишим мумкинки, биз бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўлимизни танлаб олдик ва бу йўлдан бир қадам ҳам чекинмадик. Ўзимизни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб, ора йўлда тентираб юрмадик. Қайси нишни бошлаган бўлсак, уни изчил туриб, босқичма-босқич амалга ошира бордик.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги беш тамойили ҳаммангизга маълум. Ҳаёт ва орттирган тажрибамиз шуни кўрсатдики, бизлар бу беш тамойилга асосланиб хато қилмадик.

Биринчи тамойилимизда аввал — иқтисод, кейин — сиёсат деган шиорни олға сурдик. Хўш, нега шу принципни танладик? Нега шу тамойил бошқа шиорлардан, бошқа тамойилларга нисбатан устунроқ деб тан олиндн?

Бунинг маъноси жуда теран, азиз дўстлар.

Халқимизда «аввал—таом, кейин—калом» деган ҳикмат бор. Яъники, аввал одамларнинг қорнини тўйдир, бола-чақасининг ҳаётини таъмин этиб бер, ана ундан кейин сиёсатнигни гапир!.. Ҳавойи гап билан одамларни алдаб бўлмайди. Халққа изчил ва аниқ иқтисодий дастур керак.

Масаланинг яна бир муҳим тарафи шуки, биз қураётган янги тизим энг шижоатли, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, юртпарвар, фидойи ва қўли гул одамларга шароит яратиб бериши керак. Ҳақиқий меҳнаткашга муносиб шароит яратиш — Президент сифатида менинг вазифам, ҳукуматнинг, давлатнинг, ҳар бир раҳбарнинг, бутун жамиятнинг вазифаси.

Ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит керак. Меҳнатни баҳолайдиган мезонлар керак. Жамиятни янгилаш даврида, меҳнаткаш ва ташаббускор инсонларни бошқа кўтаришни тушунмоқ лозим.

Энди, ҳурматли халқ ноиблари, **иккинчи** тамойилга ўтамиз.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишда халқнинг туб манфаатларини кўзлаб, энг устивор ва энг муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб олиб, уларни амалга оширишда ҳам унинг ўзи етакчилик қилади.

Шу билан бирга, бундай қарашнинг иккинчи томони ҳам бор. Биз меҳнатга яроқли ва ништиёқли одамлар ҳақида гапирдик. Лекин меҳнатга иштиёқи бўла туриб, лаёқати бўлмаган инсонлар ҳам оз эмас. Ногиронлар, кексалар, серфарзанд оналар, миллионлаб вояга етмаган норасида болаларимиз бор. Адолатли давлат қурмоқчи эканмиз, салтанатнинг ночор ижтимоий табақаларга муносабати қандай бўлади?

Бу ўринда хулоса битта: бундай кишиларни давлат ўз паноҳига олиши керак. Иккинчи тамойилнинг мазмуни, яъни: «давлат — бош ислоҳотчи» деган ақиданинг моҳиятига кўра, давлатимиз ишга лаёқатсиз, ногирон одамларни, кўп болали оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши зарур.

Ўтиш даврида давлат жиловни қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўла олади. Жилов қўлдан кетган жойларда аҳвол қандай аянчли эканини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Яна такрорлаб айтаман: давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур.

Одамзот унумли меҳнат қилиши учун, тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун нималар даркор? Умуман, жамият тинч яратувчилик фаолияти билан шуғулланиши учун нималар керак?

Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг кўнгли тинч бўлиши лозим. Хотиржам одамгина унумли меҳнат қила билади. Бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши шарт.

Учинчи тамойилнинг, яъники, қонун устиворлигининг мағзи ва маъноси ҳам ана шунда. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жами фуқаро — ёшнди, мансабидан, миллати, ирқи ва динидан қатъи назар — барча баробар бўйсунмоғи фарз.

«Қайта қуриш» деган қуруқ кампания ҳаммаёқни бузиб, ит эгасини танимай қолган кезларни, бақир-чақир кучайиб, бетайин кимсаларнинг ошиғи олчи бўлган пайтларни бир эслаб кўрайлик. Ўртоқлар. Ўғрилик, бузуқлик, қотиллик авжига чиқиб кетган эдику!

Шуни очиқ айтишим керакки, бугун биз қонунбузарларнинг таъзирини берямиз. Жиноятчилик кескин камайиб борянти. Бир вақтлар кечқурун кўчага чиқишдан чўчиб қолган одамлар бугунги кунда, Худога шукур, тунда ҳам бемалол ва бехавотир юра бошлади.

Милициянинг, суд ва прокуратурانинг фаолияти кучайди, хавфсизлик хизматининг вазифалари, янги шароит нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Гапнинг қисқаси, давлатимизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ўз вазифаларини адо этишга жиддий киришди.

Мамлакатимиздаги аҳволни бошқаларга қиёс этсак, бизда тинчлик ва осойишталик барқарор экани намоён бўлади. Хўш, қўшниларимизда қонун ва қонуний ҳужжатлар йўқ деб ўйлайсизми? Уларда ҳам бор. Лекин ҳақиқат бутунлай бошқа томонда. Қонун қоғозда қолиб кетса, жамият асло равнақ топмайди. Қонун амалда бўлиши керак. Қонун қабул этилдими, унинг ижроси ҳам талаб этилиши зарур.

Тўртинчи тамойил ҳақида.

Ўзларинг ўйлаб кўринглар, агар биз Ўзбекистон шароитида Гайдарнинг «шок терапияси»ни қўлласак нима бўларди? Тасаввур этинг, бу услуб аҳолисининг ярми бола ва ўсмирлардан иборат мамлакатда қандай оқибатларга олиб келарди?

Эҳтимолий оқибатни тасаввур қилиш қийин эмас. Гайдарона иқтисодиёт натижаси ўлароқ, халқ таъминоти издан чиқар, одамларимиз ризқи-рўзидан жудо бўлар эди.

Бизлар эски тузумни қоралашга ўрганиб қолганмиз. Унинг номақбул тарафлари жуда кўп бўлиши мумкин, лекин ўша вақтдаги одамларни ижтимоий ҳимоялайдиган жиҳатларнинг маълум ва айрим қисмларини сақлаб қолиш асло зиён қилмайди. Биз буни ўз тажрибамизда синаб кўрдик.

Бешинчи тамойилнинг мазмуни ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Бешинчи тамойил олдинги тўрт тамойилнинг мантиқий ва узвий давоми бўлиб, унда ислоҳотларнинг изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичи тугади. Биринчи босқич эски тузумнинг онгимизда ҳукмрон бўлган ақидаларини яксон қилиб, янги тузум учун пухта пойдевор қўйиш вазифасини бажаришга қаратилган эди.

Бир ўйлаб кўринглар, эски замонда нима устун эди? Жавоби аниқ: ҳамма жойда, ҳамма соҳада назорат **устун** эди. Битта ишловчига ўнта назоратчи тўғри келарди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Биринчи босқичда биз назорат органларининг сонини кескин камайтирдик. Даромад чекланмаганидан кейин мингта назоратчининг нима кераги бор? Ишини қилиб, фойдасини кўриб, давлатга солиғини тўласа бас эмасми?

Эски замондан қолган яна бир сарқит шу эдики, хусусий мулк ҳақида бир сўз эшитсак, осмон баробар сапчиб тушардик. Хусусий мулк эгаси бўлишни истаган одамларнинг юраги хавотирга тўла эди. Исталган пайтда оддий бир милиционер келиб, пешона тери билан топилган молмулкини мусодара этиши мумкин эди.

Биринчи босқичнинг моҳияти шундаки, ўтган даврда одамларнинг психологияси, дунёқараши ўзгарди. Меҳнатга муносабати ўзгарди. Хусусий мулк ва шахсий манфаатнинг, социализм маддоҳлари айтганидай, «гуноҳи азим» эмаслиги аён бўлди.

Ниҳоят, азиз дўстлар, 21 январдаги фармон дунёга келди. Бу фармон нафақат ўзимизда, балки қўшниларимизда ва ҳатто узоқ чет элларда ҳам диққат билан ўрганилаётгани бежиз эмас.

Бу фармоннинг мазмунини лўнда қилиб, **иқтисодий эркинликнинг қучайиши**, деб ифодалаш мумкин.

Мазкур фармон бизга нималар берди?

Биринчидан, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни юксак босқичга кўтаради.

Иккинчидан, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркорга кенг имкониятлар очади.

Учинчидан, жаҳон бозорига чиқиш йўлимизни кенгайтиради.

Тўртинчидан, эски маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган тўсиқларни йўлимиздан олиб ташлайди.

Янги фармон асосида ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик соҳаларига оид икки қарори қабул қилинди. Бу қарорлар аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни кескин ривожлантиришни кўзда тутади.

Мен илгари қўп марта таъкидлаганимдек, бизда жамиятнинг янгиланиши биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошланиши зарур. Аҳолининг асосий қисми ҳам, иқтисодий салоҳиятимизнинг катта улуши ҳам қишлоқда.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи қишлоқда фермерлик ҳаракатини вужудга келтирди. Натижалар ёмон бўлмади. Ҳукуматнинг янги қарорлари деҳқон (фермер) хўжаликлари йўлида ғов бўлиб турган эски тўрачилик кайфиятини, сунъий тўсиқларни бартараф этишга имкон беради. Фермерларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлайди. Уларнинг бошқа ташкилот ва маҳкамалар билан муносабатига ойдинлик киритади. Ер ва сувдан фойдаланиш имкониятлари доирасини кенгайтиради.

Янги қарорлар қишлоқ хўжалиги соҳасида зарар кўриб ишлайдиган давлат хўжаликларини бартараф этишни кўзда тутади. Иқтисодий жиҳатдан ўзнни оқламаган хўжаликлар мулкчиликнинг бошқа, иқтисодий самараси юксак шаклларига ўтказилади. Оила, жамоа хўжаликлари ривожига шарт-шароит яратилади.

Бу қарорларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, турли мулкчилик шаклидаги хўжаликлар назорат этувчи туман ташкилотларининг исканжасидан қутулади, уларнинг ўринга келадиган сервис, яъни хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномалар асосида ишлай бошлайди.

Қишлоқда кичик ва ихчам корхоналар сони кўпаяди. Илғор технология келтириш, чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилишнинг ҳуқуқий асоси кенгаяди.

Ана шу фармон ва қарорларда кўзда тутилган имтиёзлар ҳақида сўзлаб ўтирмайман. Буни фермерларимиз ва қўшма корхоналар меҳнаткашларининг ўзлари очиқ-ойдин тан олиб турибди.

Бу ҳужжатларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, корхоналар устидан ўрнатилган назоратчи органлар сони камаяди, уларнинг салбий таъсири йўқолади.

Янги ҳужжатларнинг аҳамиятини кўпчилик гапирянти. Мана, биргина мисол. 7 февралда Москва телеканалининг «Московский телеграф» деган кўрсатуви «Ўзбекистон ишбилармонларга Россияга нисбатан кўпроқ эркинлик берди», деб эътироф этди.

Мен «инқилоб» сўзини яхши кўрмайман. Лекин Россия телевиденнеси мухбирининг сўзларини келтиришга мажбурман: «Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президентининг Фармони иқтисодий ислоҳотлар йўлида нафақат кескин, балки инқилобий қадам бўлди».

Ҳурматли халқ ноиблари!

Биз катта бир фармон ва иккита ҳукумат қарорини чиқариб, ана энди ишларимиз ўз-ўзидан юришиб кетади, деб қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Яна изланяпмиз. Янги тадбирларни белгилаб оляпмиз.

Мана, уч-тўрт куи олдин имзоланган фармонни олиб кўрайлик. Уни барчангиз ўқигансиз, шу сабабли фақатгина бир жиҳатига эътиборни қаратмоқчиман.

Бу фармон мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқ белгилаб беради. Аввалги фармонда кўзда тутилган мақсад ва муддаоларни амалга ошириш йўлларини кўрсатади. Яъни, олдинги ҳужжатда ёпиқ акционерлик жамиятларини очиқ акционерлик жамиятларига айлантирган бўлсак, бу ҳужжатда акцияларнинг қайси қисмлардан иборат бўлишига аниқлик киритдик.

Низомдаги маблағни жамлаш чоғида:

— давлатга тегишли;

— меҳнат жамоасига тегишли;

— хорижий шерикка тегишли;

— фонд биржаларида ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида, шу жумладан, чет элларда эркин сотишга мўлжалланган қисмдан иборат акциялар муомалага чиқарилади.

Яна бир муҳим гап: акцияларни чиқариш пайтида меҳнат жамоаси ва умуман Ўзбекистон фуқаролари учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилади.

Хуллас, ишлашни хоҳлайдиган, ҳусусий мулк эгаси бўлиб, Ватан равнақи учун хизмат қилишга бел боғлаган мардлар учун кенг фаолият майдони очилади.

Ҳурматли дўстлар!

Иқтисодий муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида гапирар эканмиз, Ўзбекистонни ташқи дунёдан узилган ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги табиий.

Ташқи дунё билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларимиз қандай? Ташқи сиёсатимизда қайси тамойиллар устивор, деган саволлар сизларни ҳам қизиқтиради, албатта.

Бу соҳадаги тамойилларимиз ҳам аниқ, бу —тенглик ва ўзаро фойдали ҳамкорликдир.

Бугун Ўзбекистонни дунё таниди. Жаҳоннинг энг йирик давлатлари билан борди-келдимиз бор, Тошкент шаҳри харитасида кўплаб мамлакатларнинг элчихоналари пайдо бўлди. Ўзбекистон етакчи мамлакатларнинг барчаси билан иқтисодий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисида муҳим ҳужжатлар имзоладик. Бу ҳужжатларнинг амалий натижалари яхши бўляпти.

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Нидерландия Қироллиги, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Туркия ва бошқа бир қанча давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигимиз кун сайин ривожланиб боряпти.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ўз ўрни ва нуфузи бор. Бизнинг дунёда ва ўз минтақамизда тинчлик ва тартиб ўрнатиш бўйича олға сурган ташаббусларимиз жаҳоннинг энг обрўли сиёсатчилари ва жамоатчилик тарафидан қўллаб-қувватланяпти. Хусусан, қўшни Афғонистон ва Тожикистон чегарасидагн тангликни тинч йўл билан бартараф этиш ҳақидаги фикрларимизни мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Энг яқин қўшниларимиз, собиқ иттифоқдош республикалар билан алоқаларимиз қандай, деган савол туғилади.

Шу кунларда ўзаро интеграция масаласи олдинги ўринга чиқмоқда. Иқтисодий ҳамкорликсиз, ҳар бир давлат ўзи билганича мустақилликка эришолмаслиги аён. Шу сабабдан, Ўзбекистон қўшни Қозоғистон билан ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш ҳақида шартнома тузди. Келинчалик бу шартномага Қирғизистон ҳам қўшилди. Ўртада сунъий ғов бўлиб турган божхоналар олиб ташланди, товар, капитал, ишчи кучининг бемалол чегарадан ўтиб юришига имкон яратилди.

Бу муҳим ҳужжатнинг аҳамиятини чегарадош вилоятлардаги одамлардан бориб сўрасангиз, ўшалар жуда яхшилаб тушунтириб беради. Ўзаро мол алмашиш бирданига ўсди. Бир мамлакатнинг бозори иккинчи мамлакат фуқароларига ҳам очилди. Халқларимиз ўз давлат раҳбарларининг бу қароридан мамнун.

Яна бир гапни айтиб қўяй: яқинда давлат ташрифи билан Москвага борганимизда Борис Николаевич Ельцин: бизлар ҳам шу ягона иқтисодий ҳудудга кирсак бўладими, деб мендан сўради. Шундан билингки, уч Марказий Осиё мамлакатининг ўзаро интеграция ҳақидаги битими катта мазмунга эга экан.

Энди буюк қўшнимиз Россия билан ўзаро муносабатларимиз ҳақида тўхталсак. Хабарингиз бор, шу ойнинг бошида Ўзбекистон давлат делегациясн Россияда бўлиб, жуда кўп муҳим ҳужжатларни имзолади.

Ҳужжатларнинг мазмунига ўтишдан олдин айтиб қўйишим керак: собиқ СССР республикалари ичида биз биринчи бўлиб Россия билан энг олий мақомда музокара олиб бордик. Бу — Россия бизни тенг ҳуқуқли иттифоқчи сифатида тан олгани, бу — Ўзбекистоннинг минтақада тутган муҳим ўрнига берилган одилона баҳодир.

Биз Россияга собиқ мустабид тузумнинг меросхўри деган шубҳа билан эмас, балки тенг иқтисодий ва снёсий шерик сифатида қарашимиз керак.

Иқтисодиётимиз Россия билан чамбарчас боғлиқ. Биз Россиядан жуда кўп нарса оламиз. Ўз навбатида Россия иқтисоди ҳам Ўзбекистон ёрдамига муҳтож. Буни Россия раҳбарлари ҳам ниҳоят тушуниб етди.

Биз Россия билан қандай ҳамкорлик қиламиз?

Биринчидан, биз Ельцин ва Черномирдин билан ўзаро тўловларни тартибга солиш, хом ашё ва маҳсулот етказиб беришни аниқ йўлга қўйишни келишиб олдик.

Божхона тўловлари бекор қилинади. Бир соҳада ишлайдиган рус ва ўзбек корхоналари ягона трансмиллий уюшмаларга айланишига шароит яратилади. Масалан, Тошкент Трактор заводи билан Ярославль Мотор заводи бирга акция чиқариб маҳсулот даромадини баҳам кўриши мумкин.

Ҳарбий соҳада ҳам Россия билан тенг ҳамкорлик киламиз. Россия Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида Ўзбекистонни ўз иттифоқчиси деб очиқ тан олади.

Одамларнинг ўзаро борди-келдиси, виза масалалари ҳам ҳал қилинади.

Биз Президент Борис Ельцин билан минтақадаги хавфсизлик масаласини, хусусан, Тожикистондаги аҳволни ҳам муҳокама қилдик. Бу масалада фикримиз бир хил. Чегарадаги жанжал ва Тожикистондаги фуқаролар урушини фақат тинч йўл билан, музокара йўли билан ҳал этиш мумкин.

Тошкентда минтақа хавфсизлиги масаласи юзасидан БМТ доимий семинарини ташкил этиш бўйича биз киритган таклифни Россия томони тўла-тўкис маъқуллайди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласи бўйича ҳам Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари бир хил.

Бевосита ўзбек-тожик муносабатларига келсак, биз қўшни Тожикистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишини истаймиз. Оғир аҳволга тушган дўстларимизга қўлдан келганича ёрдам бериб турибмиз. Яқинда тожик раҳбарлари билан Тошкентда шартнома имзоладик. Бу йил баҳорда экиш ишларни ташкил этишда уларга ёрдам беришни, яъни уруғ, техника ва ёнилғи билан таъминлашни ҳам ўз зиммамизга олдик.

Марказий Осиёдаги мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, энг йирик сиёсий ва иқтисодий масалаларда якдил бўлиш —бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири. Бу дўстлик ва аҳиллик неча асрлар мобайнида тинч-тотув яшаб келган халқларимизнинг туб манфаатларига мос келади.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бир ижтимоий тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишдек мураккаб ва машаққатли жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Албатта, бу йўлда турли-туман тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишга тўғри келади. Ҳузур-ҳаловатдан, ором ва фароғатдан воз кечиб, қаттиқ меҳнат қилиш зарур. Ҳозир ҳаётимизда дуч келаётган қийинчиликларни шу маънода табиий деб баҳолашимиз керак. Ақл-идрок, меҳнат ва тадбиркорлик билан бу муаммоларни ечиш даркор.

Модомики, тақдир халқимиз олдига шундай бир тарихий синовни қўйган экан, ундан мардоналик билан ўтишимиз лозим.

Муборак ҳадислардан бирида «Аллоҳ таоло қайси бандасига яхшиликни раво кўрса, ўшанга бирор мусибатни юборгайдир», деган гап бор. Фаровон турмушга машаққат чекмасдан, синовлардан ўтмасдан ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини ҳамма-миз яхши биламиз. Лекин танланган йўлимизнинг натижасига қачон, қандай қилиб эришамиз, деган саволга жавоб топиш зарур. Бусиз биз олиб бораётган снёсатимизга одамларнинг ишончини жалб қилолмаймиз, ўз муддаомизга етолмаймиз.

Танланган йўлнинг тўғрилигига, унинг манзилга бехато олиб чиқишига, аввало, етакчиларнинг ўзлари қаттиқ ишонган бўлиши керак. Карвонни бошлаб бораётган сарбон йўлнинг пасту-баланднни, хавфу хатарли жойларини яхши билиши, уларга яраша олдиндан ҳозирлик кўриб қўйиши шарт. Ортидан келаётганларнинг тинчлигини, оромни таъминлаш учун у ўз ҳузур-ҳаловатини қурбон қилиши керак. Шунга тайёр одамгина сарбонлик, раҳбарлик масъулиятни бўйнига, зиммасига олиши лозим.

Халқ ишонч билдирган раҳбарнинг сўзи ва ниёти, яъни тили ва дили бир бўлиши бугун энг муҳим ҳаётий заруратга айланди. Баландпарвоз, ҳавойи гапларнинг даври ўтди. Бундай вазиятнинг энг хавфли жойи шундаким, сўзи бошқа-ю, иши-қилмиши бошқа раҳбарларнинг ва иккиюзламачи шахсларнинг «фаолияти» туфайли эзгу ғояларимиз, халқнинг олижаноб умидлари ўз қадр-қимматини йўқотиши мумкин. Одамларнинг улуғ мақсадларга бўлган ишонч, интилишлари сўнади.

Минг афсуски, айрим раҳбарларнимиз айтаётган гапларига, юритаётган снёсатларига ўзлари ишонмайди. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга шох ташлаб, «ўйин» қилиб туради. Иродаси мўрт, иймони суст бундай раҳбарларнинг хатти-ҳаракатларига қатъият билан муносиб баҳо бериш лозим. Шу нуқтаи назардан Бухоро вилоятидаги ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпгина нохуш ҳолатлар, номақбул ишлар кўзга ташланади.

Нуфузли комиссиялар вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини, фармон ва ҳукумат қарорларининг ижросини атрофлича таҳлил этди ва тегишли хулосалар чиқарди. Шу хулосалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Вилоятда кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини, ўнга яқини эса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан савдо тармоқларида тартиб ўрнатиш, аҳолини зарур озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш борасида жиддий ишлар олиб борилмаган. Чакана товар оборотининг умумий ҳажми охирги икки йил давомида тахминан 35 фоиз камайган. Айниқса, меъёрланган озиқ-овқат фондлари таъминоти етарли назорат қилинмаган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда ўтган йил имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади. Мавжуд 80 та саноат корхонасидан 29 таси, «Мевасабзавотузумсаноат» концернининг вилоят бирлашмасига қарашли 111 та савдо ўчоқларидан атиги 6 таси давлат тасарруфидан чиқарилган, холос. Шуниси ачинарлики, кўпчилик хусусийлаштирилган корхоналар номларинигина алмаштириб, иш услуби, шакли ва шароитларини ўзгартирмай, ҳамон эскича услубда фаолият кўрсатмоқда. Жами ҳисобга олинган 1211 та кичик ва шахсий корхонанинг атиги 14 фоизи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. Бу билан аҳоли эҳтиёжини қондириб бўладими? Бу ишнинг бошида турган раҳбарлар қаёққа қарамоқда?

Капитал қурилиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Режалаштирилган биноларнинг қурилиши ҳар йили уддаланмасдан барбод бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг суст бораётгани ачинарлидир. Раҳбариятнинг бу масала билан жиддий шуғулланмаётгани натижасида вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида давлатга 1992 йилга нисбатан 6,5 минг тонна дон, қарийб 28 минг тонна сабзавот, 11,5 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1,5 минг тонна сут, 642 тонна пилла кам етказиб берилди. Қишловга пухта тайёргарлик кўрилмагани оқибатида эса **ўтган йили 1200 бош қорамол, 4300 чўчқа, 18 минг 600 қўй-эчки нобуд бўлди.**

Жамоа мулки қилиб берилган фермаларда маҳсулдорлик кутилган натижаларни бермаётир. Бу ерда гўшт сотиш ўтган йилдагидан 113 тонна, сигирлар сони эса 407 бош камайиб кетган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда вилоят ҳокимлигининг аниқ чора-тадбирлари белгиланмаганини қандай тушуниш мумкин? Хусусийлаштириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган жамоалар фаолиятини раҳбарлар назорат қилмаса, уларни ривожлантириш йўл-йўриқларини изламаса, айтингчи, қанақа тараққиёт бўлиши мумкин?

Ғиждувон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигининг «Қорабоғ» чорвачилик-ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан ҳеч ким шуғулланмаган. Натижада сигирлар сони 25 бош камайиб, 13 бош бузоқ нобуд бўлди. Давлатга сут сотиш 80 фоиз атрофида қолди. Худди шундай аҳвол Бухоро туманидаги «Истиқлол» ҳиссадорлик жамияти фаолиятида ҳам юз берди.

Вилоятда ғаллачиликни ривожлантиришга эътибор ниҳоятда суст. Раҳбарликни бўшаштириб юборилгани оқибатида қарийб **11 минг гектар майдонга кузги бошоқли дон экилмай қолиб кетди. Ваҳоланки, ҳозирги кунда аҳоли таъминоти учун керак бўлган ғалла ва картошканинг қарийб 80 фоизга яқини, гуручнинг эса 100 фоизи четдан олиб келинаётганини вилоят раҳбарлари ўйлаб кўрмаётирлар.**

«Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда. Масалан, «Мевасабзавотузумсаноат» бирлашмасига қарашли 11 та ихтисослашган хўжаликнинг бирортасида бугунги кунга қадар боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик соҳалари бўйича ақалли битта ҳам фермер хўжалиги ташкил қилинмаган.

Вилоятда амалдаги ер, деҳқон хўжаликлари ҳамда шартнома тўғрисидаги қонунларни ижро қилиш қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Айрим хўжалик раҳбарлари турли баҳоналар билан деҳқон хўжаликларига республика ҳукумати томонидан белгиланган миқдорда ер майдонн ажратишни пайсалга солмоқдалар. Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланган юрт эгасининг дастурхони баракали бўлишини ҳамма раҳбарлар ҳам тушуниб етмаслиги ачинарли ҳолдир. Тушунib етганида вилоятда қишлоқ хўжалик ерларини қонунга зид равишда эгаллаб олишга йўл қўйилармиди? Айниқса, Бухоро шаҳри атрофидаги ерлар фуқаролар томонидан шахсий уй-жой қуриш учун қонунсиз эгаллаб олинаётгани раҳбариятни безовта қилмаётганини қандай баҳоласа бўлади? Агар улар ер ҳақида бироз бўлса ҳам қайғурса эди, Бухоро темир йўл бўлими раҳбарияти томонидан уй-жой қуриш учун икки йил муқаддам ажратилган 26 гектар ер бугунги кунга қадар фойдаланилмасдан, қаровсиз ҳолда қолиб кетармиди? Мазкур аҳвол ҳақидаги вилоят прокурорининг 1993 йил 26 июндаги ахборотномаси эса вилоят ҳокимлиги томонидан ҳанузгача кўриб чиқилмаган ва тегишли чора кўрилмаган. Бу ҳол ўта масъулятсизликдан бошқа нарса эмас.

Вилоятда аҳоли саломатлигини сақлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давр талабларига жавоб бермайди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини яратишда ҳокимларнинг ташаббуси, тадбиркорлиги сезилмаётир.

Қишлоқ шифокорлари ва врачлик пунктларининг 80 фонзи номигагина мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Бухоро шаҳрида аҳолининг 81 фоизи ичимлик сув билан таъминланган бўлса, қишлоқда бу кўрсаткич бор-йўғи 15 фоизни ташкил этади. Чиқинди сувларнинг чиқиб кетиши шаҳарда 44, қишлоқда эса қарийб 9 фонз таъминланган. Бу эса юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. **Хўш, бу ўринда бухоролик мутасадди раҳбарларнинг соғлом авлод тарбияси йўлидаги баландпарвоз, ҳавойи гапларига, жаннат ваъда қилишларига ким ишонади? Гап уларнинг қўллари етадиган, имкониятлари ва масъулиятлари доирасидаги ишларни бажармасликлари ҳақида кетяпти.**

Халқ таълими ва мактабгача тарбия соҳасидаги амалга оширилаётган ишларда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия шу тизимнинг талаблари асосида ташкил этилмаяпти. Янги мактаб ва болалар боғчаси қуришда ички имкониятлардан кенг фойдаланилмаяпти. Ўқувчиларни бепул нонушта ва овқат билан таъминлашда улар ҳақидан уриб қолиш ҳоллари рўй бераётир.

Савдо, маиший хизматни яхшилаш чоралари давр талаблари асосида қайта қурилмаётир. Харидорлар ҳақидан уриб қолиш, ноёб молларни яшириб сотиш, савдо маданиятини қўпол равишда бузиш ҳолларига қарши кескин кураш олиб борилмаяпти. Савдо дўконларини хусусийлаштиришдан мақсад — маҳсулот турларини кўпайтириш, аҳоли талабларини қондириш йўлларини излашдир. Лекин вилоят раҳбарлари унинг моҳиятини тушуниб етмаяпти. Акс ҳолда «Бухоросавдо» вилоят бирлашмаси ва вилоят матлубот жамияти раҳбарлари давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятларига аралашиб, кўп жойларда шахсий манфаатни кўзлаб ишлармиди? Уларнинг бу ғайриқонуний хатти-ҳаракати корхоналар, жамоаларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда қонунбузарлик, давлат ва молия интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйилган. Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан аниқланган камомад ва талон-торожликлар ҳақидаги ҳ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

(Давоми. Боши 1—2-бетларда).

Ҳаётда учрайдиган аччиқ тажрибалардан мен ўзимга бир хулоса чиқариб олдим.

Садоқатли бўлиш учун инсон, аввало, мард бўлиши керак экан. Етакчи, раҳбар шахс биринчи галда пок ва шижоатли, азму қарор соҳиби бўлиши лозим. Амир Темур бобомизнинг бу борадаги ўгитлари ҳар биримизга ибрат бўла олади.

Тажрибамдан кўряпманки, улуғ бобомиз айтганидек, ишбилармон, тадбиркор, ҳушёр, азми қатъий, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки масъулиятсиз ва бепарво раҳбар минг кишига ортиқча иш орттириши муқаррар.

Айтайлик, раҳбар одам бугунги иқтисодий ислоҳотлар ўзи ишонмаса, уларнинг моҳияти ва оқибатларини билмаса, тасаввур қилолмаса, бунинг устига иродаси бақувват бўлмаса, бир сўз билан айтганда, «ўйинчи» бўлса, қандай қилиб бошқаларни бунга ишонтиради? Қандай қилиб уларни ўз ортидан эргаштира олади?!

Биз ҳаммамиз эски замон тузумини бошимиздан ўтказдик ва ундан аччиқ, аммо зарур хулосалар чиқардик.

Энг асосий хулоса шу бўлдики, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмас экан. Бутун жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг тажрибамиз ҳам шуни исботлаб турибди.

Иқтисодиётни ривожлантирмасдан туриб, асло озод ва фаровон жамият қуриб бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам биз давлат тизимини ўзгартиришга киришдик.

Табиийки, эски тузумнинг ҳам бир қанча маъқул жиҳатлари бор эди. Биз бу тузум устидан ўз ҳукмимизни чиқарар эканмиз, иложи борича унинг маъқул томонларини сақлаб қолишга интилдик. Номаъқул жиҳатларини босқичма-босқич ўзгартириб боришни мақсад қилиб қўйдик.

Албатта, ҳаммамиз ҳам ўша тизимда шаклланган одамлармиз. Ҳеч биримиз осмондан тушган эмасмиз. Мен бу фикрни кўп марта айтганман, ҳозир яна такрорлаётганим.

Лекин бир масалада ўзимизнинг аниқ қароримизга келишимиз зарур. Эски мустабид, ҳукмронлик, зўравонлик, буйруқбозлик замонига қайтиш йўқ. Эски тизимда суяги қотган, шу замонни қўмсаб юрган, истаб, ҳавас қилиб юрган раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз зарур.

Яқин ўтмишимизда катта мавқега эга бўлган, маълум бир сиёсий гуруҳга мансублиги билан гердайиб юрган айрим масъул раҳбарларни қандай тушуниш мумкин?!

Уларнинг бундай бачкана ва калтабинлик билан қилаётган хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бу вазиятнинг хавфли жойи шундаки, бундай раҳбар ўз атрофида, теварагида ўзига ўхшаган кимсаларни йиғиб олади ва уларни бор кучи билан ҳимоя қилади.

Билиб қўйинглар, халқ, жамият кимнинг қандай партия ё ҳаракатга мансуб бўлганига қараб эмас, эл-юрт манфаати йўлида қилаётган амалий ишларига қараб баҳо беради.

Тарихий умрини тугатган тузумга мотам тутиб ўтиришга бизнинг фурсатимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ. Шу иш билан машғул одамларга яна бир марта эслатиб қўймоқчиман: ортга йўл йўқ. Ортга қайтамиз, деб овора бўлманглар. Мабодо олға юришни истамас эканисизлар, марҳамат, бошқаларни тинч қўйинглар, овора қилманглар. Ишимизга халал берманглар.

Маълумки, дин ва дин аҳли ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Бизнинг бу хусусдаги сиёсатимиз аниқ. Ислом дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган.

Дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган. Одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган.

Хўш, бугунги кунда, биз барпо этаётган янги жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қурилиши лозим?

Бу масала Конституциямизда очиқ-ойдин ифода этилган. Яъни, республикамизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ, биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан динни муносабатларни уйғунлаштириш тақозо этилади. Назаримда, улуғ аждодимиз, Бухорои шарифнинг буюк фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг «Оллоҳ диллингда, қўлинг ишда бўлсин» деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак, янглишмаган бўламиз деб ўйлайман.

Давлатнинг иши — давлатники, динниг иши — динники бўлиши лозим. Бунинг ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлдир.

Давлат диндор фуқароларининг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди.

Шу муносабат билан бу борада баъзан кўзга чалиниб қолаётган айрим ноўғ ишлар ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтиш жоиздир.

Кейинги пайтда халққа берилган диний эркинликлардан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам сезилиб қолдики, бу нарса барчамизни беҳад ранжитмоқда ва ташвишга солмоқда. Сохта обрў, сохта шон-шуҳрат орттириш учун инсонларнинг диний нафсонияти билан ўйнашиб бўлмайди. Айрим жойларда баъзи нопок кимсалар томонидан ҳаромҳариш топилган пуллар эвазига ҳашаматли масжидлар қуриш пойгаси бошлангани сир эмас.

Ахир масжиднинг ободлиги ундаги намозхонларнинг сероблиги, ихлос ва эътиқоднинг покизалиги билан белгиланадими ёки унинг қуруқ савлати биланми?!

Мўмин-мусулмонларнинг диний ҳиссиётлари билан ўйнашиш, такрор айтаманки, бандасига ҳам, Яратганга ҳам хуш келмайди. Ишончим комилки, юртимиздаги диндор фуқаролар ҳалол-ҳаромни жуда яхши англайди, кимнинг аслида ким эканини ҳам яхши фарқлайди.

Азиз дўстлар!

Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати иқтисодга эркинлик берилишини, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий асосланишини тақозо этади. Биз бу хусусда бир қанча қонунлар чиқардик. Тижорат ва бизнес ишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бу соҳада ишлаётган — яъни меҳнатидан ўзини ҳам, элни ҳам баҳраманд қилаётган мулкдорлар аста-секин кўпайиб бормоқда.

Аммо бугунги қийинчиликлардан фойдаланиб, қонунга зид равишда халқни талаш ҳисобига бойлик орттираётган баъзи шахслар ҳам борки, улар давлат ва жамият учун жиддий хавф туғдирмоқда. Биз бундай ҳолат ва шахсларга қарши муросасиз кураш олиб боряпмиз. Бу — мавсумий бир иш эмас, бизнинг изчил, қатъий сиёсатимиздир.

Бордию бундай ишларга раҳбар шахслар аралашиб қолган бўлса, сўров ҳам, жазо ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади. Мен бу ҳақда яна бир карра кескин огоҳлантириб ўтаман: бундай кимсалар шафқат кутмасин!

Бир тизимдан янги тизим шароитига ўтиш даврида энг катта хавф — коррупция деб ҳисоблайман, яъни давлат, ҳокимият ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаоллари нафс балосига гирифтор бўлиб, ўз мансабини суиистеъмол қилиш йўлига кириб, жиноятчилар билан тил бириктиришга ўтишидир.

Бундан давлат манфаатига, халқимиз насибасига етказиладиган зиённи тасаввур қилиш ҳам қийин. Шунинг учун таъмагирлик, порахўрлик, коррупцияга қарши биз энг кескин аёвсиз чораларни ишга соламиз. Бунга қурбимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

Агар айрим кимсаларнинг ўз нафсини жиловлашга кучи етмаса, уларнинг нафсини жиловлаб қўйиш давлатнинг қўлидан келади.

Шуни унутмаслик керакки, таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция инҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра, бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади.

Эҳтимол, дастлабки вақтда бу касалликни одамлардан яшириш ҳам мумкин бўлар. Аммо халқни алдаб бўлмайди. Қинғир одамнинг қилиғини ўзи билдирмаса, боласи билдиради. Боласи билдирмаса, хотини билдиради. Хотини билдирмаса, ёнидаги малайлари билдиради.

Эҳтимол, нопок раҳбарнинг қилмишларини назорат органлари билмаслиги ҳам мумкин. Аммо халқ билади. Халқ билган куни бундай раҳбар назардан қолади.

Халқ назаридан қолиш эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир.

Ҳеч биримизни эл-юрт назаридан қолдирмасин!

Қадрли дўстлар!

Олдимизда турган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун биздан нима талаб этилади?

Мен бу ҳақда Конституциямизнинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқимда батафсил тўхталиб ўтган эдим. Ҳозир шу масаланинг энг муҳим нуқталарини эслатиб ўтишни ўринли деб биламан.

Агар сезган бўлсангиз, бизлар кўпроқ талаб қиламиз. Ҳуқуқ, эркинлик ҳақида кўпроқ гапирамиз. Бу ҳам аслида тўғри ва ҳуда адолатли. Чунки инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият адолатли жамият эмас.

Аммо бу ишнинг бизлар кўпинча унутиб қўядиган иккинчи жиҳати ҳам бор. Адолатли жамият қуриш учун энг аввало шу табаррук заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам — барчамизга бирдек тегишлидир!

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар бир раҳбар, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак.

Агар шу улуғ фазилат барчамизнинг онгимиздан, қалбимиздан жой топса, муқаддас эътиқодга айланса, ана шундагина олдимизда турган буюк мақсадларга эришмоғимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

САВДОГА ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ «САВДОГАР» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва улар билан ички бозорни тўлдириш, шунингдек республика савдо тармоғи фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

1. Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банки ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари республиканинг савдо ташкилотларига хизмат кўрсатишдан, савдо ташкилотлари билан халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналари ўртасидаги савдо-харид операциялари ва ҳисоб-китобларни маблағ билан таъминлашдан иборат деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Марказий банки, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзкооптайёрловсавдо», «Ўзбекбирлашув» ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкининг мушириладиган материалларни кўриб чиқиш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, ушбу материаллар бўйича қўзғатиладиган жиноий ишлар терговининг бориши, тўлиқлиги, сифати ва муддатлари устидан қаттиқ назоратни жорий этиш таклиф қилинсин, судлар томонидан шундай ишлар кўриб чиқилиши чоғида прокурорларнинг албатта қатнашишлари таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Олий суди раиси, адлия вазири, Давлат солиқ қўмитасининг раиси сансалорлик, муросасозлик ва принципсизлик қилганликлари, шунингдек ишларни кўриб чиқишда белгиланган муддатларни бузганликлари учун солиқ ва божхона органларининг раҳбарларини, шунингдек шаҳар, туман прокурорлари ва судьяларини қонунларга мувофиқ қатъий жавобгарликка тортсинлар.

Юқорида кўрсатилган органларнинг раҳбарлари мазкур Фармон бажарилишининг аҳволини ҳар кварталда умумлаштириб, ҳукуматга зарур ахборотни бериб борсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ТУҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Республиканинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш борасида қўшимча чоралар кўрсин.

Шу мақсадда катта ва жуда катта миқдорлардаги солиқларни, божлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетиш ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига зиён етказадиган бошқача тарздаги қонунбузарлик фактлари бўйича ҳар томонлама текширув ўтказилиб, қонунларга мувофиқ жиноий ишлар қўзғатилсин, суриштирув ўтказилсин ҳамда терговга тегишли материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунларга қандай риоя этилаётгани борасидаги жиноятлар ҳеч кечиктирилмай ва тезкорлик билан тергов қилинишини ташкил этиб, қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминласинлар.

3. Республиканинг суд органларига мазкур тоифадаги жиноий ишлар судларда энг муҳим иш сифатида тезкорлик билан кўриб чиқилишини таъминлаш, чиқарилаётган ҳукмлар ва қарорларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг оошкор қилиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратурасига солиқ ва божхона органларидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топ-

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

БАНК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг пул муомаласининг аҳволи учун жавобгарлиги ва мустақиллигини ошириш, шунингдек, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Ўзтадбиркорбанк» ва бошқа тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда жаҳондаги ва МДҲ ҳудудидаги энг яхши банкларнинг тажрибасини ўрганиш ва бозор талабларига мувофиқ ўзига қарашли банкларнинг бошқариш тузилмасини ва амалий фаолиятини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

2. «Ўзжамғармабанк»га кредит-молия муассасаси мақоми берилсин ҳамда унга:

кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга кредит бериш учун фойдаланишга, шунингдек, кредит ресурсларини банклараро пул бозорида кимошди савдоси орқали сотишга;

кичик корхоналар барпо этиш ва ривожлантириш, фуқаролар томонидан давлат мулкини хусусийлаштириш, турар жой биноларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳужжатларга қарз бериш доирасини кенгайтиришга;

аҳоли жамғармалари бўйича, юқори ставкасини чекламаган ҳолда, энг кам фоиз ставкаларини мустақил равишда кўпайтиришга рухсат этилсин;

1994 йил 1 апрелдан бошлаб аҳоли жамғармалари бўйича амалдаги энг кам фоиз ставкалари 2 баравар оширилсин.

3. Тижорат банкларининг пул муомаласи учун жавобгарлигини ошириш, шунингдек, берилаётган кредит ресурсларини пул массаси билан ўзаро боғлаш ҳамда нақд пул маблағлари беришни жадаллаштириш мақсадида Марказий банкнинг рухсатномаси бўлган банкларга хизмат кўрсатилаётган миҳозлар билан жорий касса операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Касса операцияларини амалга ошириш тартибига қатъий риоя қилиниши устидан назорат республика Марказий банкининг ички хавфсизлик махсус бошқармаси зиммасига юклансин.

4. Қалбаки пул ўтказиш (авизо)ларга ва қонунга хилоф равишда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг нақд пулли ҳисоб-китобларга айланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

барча банк муассасаларига давлат корхоналари ва ташкилотларидан пул ўтказишни, уларнинг тўпланиши ва амалга ошириш операцияларининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганда, нодавлат тузилмаларга ўтказишни тақиқласин;

табуляграммалар (авизо рўйхатлари) бериш асосида квитовка усули билан олинган пул ўтказишларнинг айнанлигини қайта текшириш мажбурийлигини таъминласин;

тижорат банклари билан биргаликда банк ахборотларини қайта ишловчи компьютер марказини барпо этсин ва 1994 йилнинг 1 октябрига қадар банк тизимини компьютерлаштиришни, ҳисобга олишни, қалбаки пул ўтказиш (авизо)ларга йўл қўймасликни, кредит-тўлов операциялари ноқонунийлигининг олдини олиш ва нақд пулларни инкассация қилишни автоматлаштиришни таъминловчи электрон почталарни жорий этишни тугалласин;

қалбаки ҳужжатлар бўйича счётларга маблағларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда ҳужжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-китоб (жорий) счётларини ёпиб қўйсин ва материалларни тезлик билан айбдорларни қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборсин;

банк операцияларини юритиш қоидаларини бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан иқтисодий санкциялар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин, бунда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган рухсатномалар (лицензиялар)ни қайтариб олиш ва банк муассасалари раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан бўшатишгача бўлган чоралар кўришни назарда тутсин;

бир ой муддатда қалбаки авизолардан фойдаланиш, пулсиз ҳисоб-китобларни нақд пулли ҳисоб-китобларга айланиб қолиш ҳоллари синчиклаб ўрганиб чиқилсин ва унинг натижалари тўғрисида республика ҳукуматига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилаётган ҳисоб-китоб операциялари ва банк муассасалари томонидан касса операциялари юритилишининг қонунийлигини мунтазам равишда танлаб текширсин. Қонун бузишлар аниқланган тақдирда тезкорлик билан қонунга мувофиқ чоралар кўрилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, банкка тушумларни нақд топширган юридик, жисмоний шахслар нақд пул маблағларини дарҳол ва чеклашларсиз оладилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ялпи пул массалари ўзгаришларнинг чекланган миқдорларини йилнинг ҳар чорагида белгилаш бўйича таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

ялпи пул массалари ўзгаришларининг тасдиқланган миқдорларига мувофиқ кредит ва нақд пул эмиссиясини қатъий чекласин;

халқ хўжалиги тармоқлари учун имтиёзли кредит ресурсларини марказлаштирилган тартибда беришни тўхтатсин, иловада кўрсатилган тармоқлар бундан мустаснодир, бунда йиллик даромаднинг ҳисоб ставкаси камида 50 фоиз миқдорида белгилансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишли ҳудудларда пул муомаласининг аҳволи ва эмиссиянинг қисқартирилиши учун шахсий масъулият юклансин.

8. Банк компьютер тизимини яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика валюта фондидан Марказий банк ҳисоб-китобларига мувофиқ қайтариб бериш асосида зарур валюта маблағларини, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги эса тегишли алоқа каналини ажратсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк барқарорлаштириш жамғармасини яратиш ҳамда миллий валюта курсини сақлаб туриш чора-тадбирларини таъминлаш мақсадида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олтин-валюта заҳираларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқсинлар.

10. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан собиқ СССР таркибига кирган давлатлар субъектлари билан савдо-сотиқ операцияларидан олинган тушумнинг 15 фоизи Марказий банк белгилаган курс бўйича республика валюта фондига сотилишининг мажбурийлиги белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 март.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ОЛАДИГАН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОНЦЕРНЛАР ВА УЮШМАЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг номи	Кредит бериш мақсади
	Республика ташқарисидан қуйидагиларни олиб келиш учун:
«Ўздонмаҳсулот» давлат концерни	дон
«Ўзбекбирлашув»	гўшт, қанд-шакар
«Ўзбексавдо» давлат уюшмаси	гўшт, қанд-шакар
«Ўзкооптайёрловсавдо» бирлашмаси	гўшт, дон
«Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси	гўшт
«Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни	қувватларни кенгайтириш учун
Ёқилғи-энергетика комплекси	газ узатиш тармоқларини, нефтни қайта ишлаш заводларини маблағ билан таъминлаш учун
Молия вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлаган донрада бюджетнинг камомадини қоплаш учун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёш авлодни Ўзбекистон Республикасига ҳар томонлама садоқат ва ундан фахрланишдек олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтиришда давлат ва халқ олдидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН:

Алимаҳсумов Орифхон — Яккасарой тумани «Яккасарой 1» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри.

Амирова Ҳалима — Сурхондарё вилояти кўп соҳали болалар шифохонасининг ҳамшираси.

Остонова Малоҳат Узоқовна — Шаҳрисабз шаҳар марказий шифохонаси ўсмирлар шифоатхонасининг мудири.

Жў Эрик Асвалл — Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) Европа регионал бюросининг директори.

Икромова Гулсара Усмоновна — Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси туғруқхона бўлимининг акушер-гинекологи, Наманган вилояти.

Иномова Светлана Турсунбоевна — Андижон вилояти 1-кўп соҳали болалар шифохонасининг бош шифокори.

Мирзамуҳамедов Маннаф Давлат тиббиёт институтининг болалар касалликлари кафедраси мудири.

Наймушина Людмила Викторовна — Жиззах вилояти оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази туғруқхона бўлимининг катта акушеркаси.

Нишонова Роҳила — Фарғона шаҳар 27-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

Савельева Ирина Алексеевна — республика болалар асаб касалликлари шифохонаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси.

Таганиязова Дамехон Мирзабоевна — Чимбой тумани марказий шифохона туғруқхона бўлимининг мудири, Қорақалпоғистон Республикаси.

Темуров Шукурсалим — республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

Федорова Нина Павловна — Навбаҳор тумани марказий шифохонасининг акушер-гинекологи, Навоий вилояти.

Хонназаров Сапар — ўқитувчи, нафақахўр, Норпой тумани фахрийлар кенгаши аъзоси, Самарқанд вилояти.

Хлебушкина Антонина Павловна — 22-болалар уйининг директори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси, Тошкент шаҳри.

Эшонтўраева Сора — актёр, нафақахўр, Тошкент шаҳри.

Цой Лилия Иннокентьевна — Хоразм вилояти болалар шифохонаси асаб касалликлари бўлимининг мудири.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН:

Абдужабборов Абдуқаҳҳор — Жиззах шаҳар, индустриал техникумининг жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Аҳмедов Ўрол — Шеробод тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги врачлик амбулаториясининг мудири, Сурхондарё вилояти.

Ашрапова Муқаддам — шифокор-жарроҳ, нафақахўр, республика фахрийлар кенгаши аъзоси.

Бегматова Ширинхон — Қўқон шаҳар 2-болалар поликлиникасининг ҳамшираси, Фарғона вилояти.

Ёрматов Шермат — Ўзбекистон шаҳар 4-болалар поликлиникаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси.

Ғуломова Дилфуза Ғуломовна — республика диагностика маркази директори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси.

Ҳамдамова Раъно Султоновна — Собир Раҳимов тумани 21-болалар поликлиникасининг педиатри, Тошкент шаҳри.

Ҳўжаев Маҳмуд Ҳўжаевич — Олот тумани, 29-мактабнинг ўқитувчиси, Бухоро вилояти.

Жўраева Хосият Ҳамиджоновна — «Шарқ гули» акционерлик жамиятининг ишчиси, Тошкент шаҳри.

Загребалова Мария Семеновна — Сирдарё тумани марказий шифохонаси туғруқ бўлимининг акушеркаси.

Иброҳимова Гулчеҳра Биловловна — Қибрай тумани «8-Март» санаторийсининг бош шифокори, Тошкент вилояти.

Исроилова Ҳабибахон — Наманган шаҳар 3-болалар поликлиникаси участка ҳамшираси.

Каримов Фозилжон — Ангрен шаҳар фахрийлар кенгаши раиси, ўқитувчи, Тошкент вилояти.

Куделина Наталья Михайловна — Андижон шаҳар 2-туғруқхона уйининг акушер-гинекологи.

Облоқулов Зокир — Пахтачи тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг компанияси қошидаги «Булбулча» катта болалар хорининг бош дирижёри ва бадиий раҳбари.

Прошенко Любовь Ивановна — Собир Раҳимов тумани 2-Аҳли заиф болалар уйининг тарбиячиси, Тошкент шаҳри.

Ражабов Абдулла — Урганч шаҳар 3-маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти.

Расулова Клара Ҳалимовна — Хива тумани марказий шифохонаси клиник-диагностика марказининг акушер-гинекологи, Хоразм вилояти.

Раҳматуллаев Маҳмуд — Навоий тумани Қ. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги қишлоқ амбулаториясининг мудири, Навоий вилояти.

Саъдуллаева Яйра Убайдуллаевна — «Ғунча» журналининг бош муҳаррири, Тошкент шаҳри.

Сулаймонова Фозила Комиловна — Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими, Тошкент шаҳри.

Тошматова Маъмура Абдуллаевна — Сирдарё вилояти шифохонасининг акушер-гинекологи.

Умарова Дилбар — Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини.

Амударё тумани оналик ва болалик бўйича бош шифокор ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳусаннова Дилбар Бўроновна — Ургут тумани Ж. Мирзаев номидаги марказий шифохона туғруқхона бўлимининг акушеркаси, Самарқанд вилояти.

Экрэм Берердинч — Халқаро болалар жамғармаси ташкилоти (ЮНИСЕФ)нинг Қозоғистон ва Марказий Осиё республикаларидаги вакилотчиси.

Қосимова Мастура — Пойтуғ шаҳри, 1-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Андижон вилояти.

Қурбонов Мамазиё — Олтиариқ тумани маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти.

Қўчқорова Гулнора Маранмовна — Акмал Икромов тумани 394-«Ором» болалар боғчасининг мудири, Тошкент шаҳри.

Ҳамдамов Араб — Нишон тумани, 2-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

НАВРЎЗ: УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Хадра майдонида ҳам Наврўз кўтаринки руҳда ўтди. Шайхонтоҳур туман савдо — ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли расталар озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўла.

Шу куни кечқурун «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида республика эстрада дасталарининг катта байрам концерти бўлди.

Пойтахтнинг сайилгоҳ хиёбонида, анъанага кўра, дастурхон ёзилган. Бу ерда қандолат маҳсулотлари ёймаси ташкил этилди. Шунингдек, мева-сабзавотдан тайёрланган таомлар кўргазмаси шаҳарликларда катта қизиқиш уйғотди.

Пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги театр майдони, Амир Темур хиёбони ҳам шу куни жуда гавжум бўлди.

• • •

Наврўз тантаналари бутун мамлакатимиз миқёсида зўр шоду ҳуррамлик билан бошланди. Тошкент вилоятида байрам кўтаринки меҳнат шижоати билан кутиб олинди. Наврўз арафасида 705 гектар ерга терак, 50 гектар майдонга ёнғоқ кўчати экилди. Қишлоқ ва маҳаллаларда халқ сайиллари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Янгиланиш, яшариш айёми куни Жиззах вилоятининг марказидаги Наврўзбулоқ тепалиги ҳақиқий сайилгоҳга айланди. Ўйин-кулги кечгача давом этди. Байрам Бухоро ва Навоий вилоятларининг шаҳар ва туманларида ҳам зўр шодиёналик билан нишонланди.

Самарқандда улуғ айём муносабати билан барпо этилган «Наврўз» боғида шодиёналар кечгача давом этди.

Андижон, Наманган вилоятларида ҳам Наврўз ҳақиқий халқ сайилига айланиб кетди. Байрам куни арафасида Фарғона вилоятида бир қанча саноат корхоналари, турар-жой биноларини фойдаланишга топширилди. Туғруқхоналарда 200 нафардан зиёд Наврўзбек ва Наврўзойлар дунёга келди. Фарғона шаҳрида 100 баҳорни қаршилаган 20 нафардан зиёд нуроний отахон ва онахонларга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Сирдарёда шу куни 48 нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйи ўтказилди. «Қайнонам — онам менинг, келиним — болам менинг» мавзуида суҳбатлар бўлди. Қарши шаҳрида бошланган байрам тантаналари Қашқадарё воҳасининг энг олис қишлоқларигача бориб етди. Ўйингоҳларда кўпкари, кураш мусобақалари, маданий-маиший тадбирлар бўлди. Наврўз арафасида Нишон туманида янги нон комбинати ишга тушди. Эҳтиёжманд одамларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга байрам совғалари улашиш учун 100 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов, Алишер Навоий номидаги жамоа хўжаликларида чигит экиш бошланди.

Наврўз шодиёналари халқимизнинг эзгулик, биродар, ҳайр-саҳоват, меҳрибонлик туйғуларига нақадар ошно ва ҳайрихоҳ эканидан далолат берди, асрий анъаналаримизнинг беқиёс аҳамиятини яна бир бор намойиш этди. Байрам тантаналари давом этади. Наврўз руҳи, наврўз кайфияти хонадонларни, кўнгилларни тарк этмайди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТИМИЗДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

АНГРЕН. Шаҳар аҳли орзиқиб кутилган Наврўз байрамини катта шодиёна билан қарши олди. Байрам арафасида шаҳар ҳокимлиги томонидан қарияларга ош берилди, ночор оилаларга, боқувчисиз кишиларга ҳайриялар, совға-саломлар улашилди.

Наврўз тонгида эса ангренликлар байрам руҳи уфуриб турган шаҳар стадионига тўпландилар. Байрамни шаҳар ҳокими Т. Анорбоев табрик сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг карнай-суриай садолари остида майдонга Деҳқонбобо, Наврўзой ва Баҳорой кириб келишди. Шаҳар ёш спортчиларининг ўзига хос чиқишлари, ангренлик санъаткорларнинг махсус концерт дастурлари байрам файзига файз қўшди. Томошабинлар ўртасида ўтказилган ютуқли ўйинлар тиражи ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шу куни ютуқ чиққан лотарея эгалари республикамизда илк бор ишлаб чиқарилган «Фотон» телевизори ва бошқа қимматбаҳо буюмларни Наврўз совғаси сифатида қабул қилиб олдилар.

●

БЕКОБОД. Шаҳарда Наврўз байрами тантаналари бир неча кун аввал бошланди. У дастлаб саноат корхоналари, қурилиш-транспорт ташкилотлари ва муассасаларда шанба, якшанба кунлари нишонланди. Уларда ёзилган катта дастурхонлар атрофида гуруҳлар бўлди, санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари хизматда бўлдилар.

Шаҳар бўйича асосий тантаналар Наврўз куни бўлиб ўтди. Марказдаги майдон, истироҳат ва дам олиш боғлари, хиёбонлар меҳнаткашлар билан гавжумлашиб кетди. Шу куни эсда қоладиган, ҳар бир бекободлик қалбига қувонч бахш этган воқеалар кўп бўлди. Шулардан бири цемент комбинатида бевосита аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган жисмоний тарбия ва соғломлаштириш мажмуининг очилиши бўлди. Бу йирик иншоот қурилишига ўнларча миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Бинокор номи берилган мажмуа айём куни жамоа тантаналари маркази бўлди. Бу ерда комбинат ишлаб чиқариш бўлинмаларияро спартакиада уюштирилди.

●

ОЛМАЛИҚ. Шаҳарнинг ўнлаб миллатга мансуб бўлган аҳолиси Наврўзни байналмилал байрам сифатида бир тан, бир жон, бўлиб нишонлади. Барча корхоналар, ташкилотлар, маҳаллаларда баҳор айёмига хос умумий шоду-ҳуррамлик, халқлар дўстлигига садоқат, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда меҳнаткашлар учун катта дастурхон ёзилди. Фахрийлар, ишлаб чиқариш илғорлари шарафланди, уларга эсдалик совғалари топширилди. Шаҳардаги майдонларда эрталабдан кечгача давом этган халқ сайилида юзлаб озиқ-овқат дўконлари, ошхоналар хизматда бўлди, қўшни туманлардан келган деҳқонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасини уюштирдилар. Байрам таассуротлари олмалиқликларнинг эсида узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

●

ЧИРЧИҚ. Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Бобур номлари билан аталувчи майдонлар шаҳарда Наврўз байрами тантаналарининг марказлари бўлди. Минглаб чирчиқлик кексаю ёшлар эрта тонгданоқ байрамонона безанган, ҳамма қутлуғ айём билан муборакбод этилган алвонлар ва чақириқлар осилган бу қадрдон, оромбахш, шукуҳли истироҳат жойларига оқиб кела бошладилар.

Иккала майдон, қатор бошқа мавзелар бир зумда гавжумлашиб кетди. Уларда байрам томошалари, турли-туман кўнгил очар ўйинлар, савдо-сотиқ авжига минди. Шаҳардаги корхона — ташкилотлар ҳузурида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари ўз бадиий чиқишларини байрам шодиёналарининг серфайз бўлишига ҳисса қўшдилар.

Байрам тантаналари барча меҳнат жамоаларида бўлиб ўтди, уларнинг кўпчилигида катта дастурхонлар ёзилиб, ош, сумалак, ҳалим ва бошқа миллий таомлар тортилди. Юзлаб муҳтож оилалар ва ногиронларга бирнеча миллион сўмлик совға-саломлар тақдим этилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

●

ЯНГИОБОД. Янгиободликлар байрамни Дукентдаги маданият саройи яқинидаги кенг майдонда нишонладилар. Бу ерда махсус савдо ярмаркалари ташкил этилди, байрам иштирокчиларига бепул ош тақдим этилди. Бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

●

БЕКОБОД. Наврўз меҳр-мурувват ва саҳоват байрами ҳамдир. Буни яхши билган бекободликлар бу йил улуғ айём муносабати билан, эввало, ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Туманда байрамга қадар саломатлик ва озодалик тадбирлари қаторида меҳр-шафқат кунлари ҳам ўтказилган эди. Бу тадбирлар жараёнида 200 нафардан зиёд боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг борлиги аниқланди. Туман ҳокимининг қарори билан Наврўз байрами, аввало, ана шу кишиларни йўқлашдан бошланди. Моддий кўмакка муҳтож ҳар бир оилага пул ва совғалар топширилди. Бу тадбирларда қўшни Тожикистон жумҳуриятидан келган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар. Туман марказидаги Мустақиллик майдонида ўтказилган халқ сайли унинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Сайилда арзон нархда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа тур маҳсулотларнинг катта савдо ярмаркаси одамларга хизмат кўрсатди. «Зафар тароналари», «Бинафша» ва ўсмирлар бадиий-ҳаваскорлик дасталари сайилга файз киритдилар.

●

БЎСТОНЛИҚ. Туманда Наврўз тантаналари 19 март куниёқ бошланди. Туман ҳокими А. Абдувосиқов Искандар қўрғонида бўлиб, олтмишга яқин меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронлар, кўп болали оилаларга республикамиз Президенти И. А. Каримов номидан эсдалик совғалари топширди. Байрам муносабати билан фахрийлар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилаларни йўқлаш бошқа жойларда ҳам давом этди. Ёрдам бериш учун туман бўйича 15 миллиондан зиёд маблағ ажратилди.

21 март куни туман аҳли муборак айёмни Ғазалкент марказидаги катта майдонда нишонлади. Туман ҳокимлиги раҳбарлари, қўшни Қозоғистоннинг Туркистон, Сариғоғ, вилоятимизнинг Қибрай туманларидан меҳмон бўлиб келган делегация аъзолари, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари барчани қутлуғ байрам билан муборакбод этдилар. Санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик дасталари чиқишлари, очиқ савдо расталарининг хизмати ҳаммага манзур бўлди. Кўп ерларда байрам далага кўчди. Карам кўчатлари экиш, мевали дарахт ниҳоллари ўтказиш, узумзорлар, теракзорлар барпо этиш ишлари давом этди. Туман меҳнаткашлари 23 мартдан бошлаб баҳорги экиш мавсумини қизитиб юборишга аҳд қилдилар.

●

БЎКА. Покланиш, яшариш, меҳнат ва шодлик байрами — Наврўз тантаналари жамоаларда жуда эрта бошланди.

Асосий тантаналар ўтган душанба куни туман марказида бўлиб ўтди. Очиқ майдонлар, сайилгоҳлар, хиёбонларда байрам савдолари уюштирилди. Қишлоқлардан ясаниб-тусаниб келган меҳнаткашлар, ҳар хил касб эгалари бир-бирларини чин дилдан қутладилар, дастурхон атрофида меҳмон бўлиб, Наврўз таомларини тановул қилдилар. Ҳаваскорларнинг концертларидан баҳраманд бўлдилар.

Туман марказидаги маҳаллаларда Наврўзни ҳар жиҳатдан шукуҳли ва тароватли қилиб ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронлар, ночор оилалар йўқланди. Уларга совға-саломлар берилди.

Наврўз тантаналари сайилгоҳлардан, кўча-кўйлардан далага кўчди. Қизғин меҳнат бошланиб кетди. Кўчат экиш, айниқса, теракзорлар барпо этиш, ерни экишга тайёрлаш авж олдирилди.

●

ЗАНГИОТА. Наврўзи оламнинг асосий тантаналари туман марказидаги истироҳат боғида бўлиб ўтди. Бу ерда ҳар бир хўжалик, ташкилот ўзларига ажратилган шиппонларда байрам дастурхони тузаб, айём иштирокчиларини меҳмон қилдилар. «Бўзсув», «Наврўз», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари, «Баракат» давлат хўжалиги ўз чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нисбатан арзон баҳоларда сотдилар.

Туман бадиий ҳаваскорлари, «Ҳосил» халқ ансамбли қатнашчилари билан бирқаторда таниқли санъаткорлар Фахриддин Умаров, Ҳожиакбар Ҳамидовлар ҳамда республика қўғирчоқ театри артистлари шу кунн эл хизматида бўлдилар. Байрам тантаналарида Арабистондан келган меҳмонлар ва Қозоғистоннинг мусобақадош Келес тумани вакилларн ҳам зангиоталиклар билан бирга иштирок этдилар.

●

ОҲАНГАРОН. Туман меҳнаткашлари Наврўзни ҳар галгидек кўпи-кўшни, бевабечораларни йўқлашдан бошладилар. Далаларга илк уруғ сепилди. Ана шундан кейин туман аҳолнси туман марказидаги ҳиёбонда байрамни давом эттирди. Бу ерда хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси ярмаркаси ташкил этилиб, келтирилгаи маҳсулотларни байрам иштирокчилари мамнуният билан харид қилдилар. Туманда фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик дасталарининг концерт дастури ва «Наврўз таомлари» танлови барчада катта таассурот қолдирди. Айниқса, қизиқчи Мирза Ҳолмедов бошчилигидаги бир гуруҳ таниқли кулги усталарининг чиқишлари оҳангаронликларга яхши кайфият, ҳурсандчилик бахш этди.

●

ОҚҚЎРҒОН. Наврўз байрамини туман меҳнаткашлари катта таитана билан нишонладилар. Ўша куни барча оққўрғонликлар туман марказига йиғилдилар. Бу ерда муборак айёмга бағишланган шодиёналар бўлиб ўтди. Туман ҳокими Н. Бердиқулов йиғилганларни байрам билан табриклади.

Байрам тантаналари «Ором» дам олиш масканида давом этди. Бу ерда турли спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

●

ПАРКЕНТ. Сўлим боғлар масканида Наврўз тантаналари карнай-сурнай садолари билан бошланди. Ҳокимлик яқинидаги майдон, кўчалар байрамона қиёфада. Кексаю ёшнинг чеҳрасида табассум. Бу бежиз эмас. Наврўз арафасида бир қатор қишлоқлар аҳолиси табиий газ, ичимлик сувидан баҳраманд бўлдилар.

Ҳокимлик, жамоа хўжаликлари 179 нафар боқувчисидан ажралган оилани, афғон уруши қатнашчиларини ва бир неча нафар кўзи ожиз фуқароларни, Чернобиль фожеаси иштирокчиларини, ёлғиз қария ва ногиронларни моддий қўллаб-қувватладилар.

Наврўз айёмида Паркент тумани акционерлик жамиятининг тикувчиси, ўзининг 17 нафар фарзанди ёнига яна 3 нафар етим болани олиб тарбиялаётган Жумасул Ўринбоевага вилоят ҳокимининг муовини Б. Махситов ҳокимлик номидан ажратилган совға — гиламни топширди ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғига сазовор бўлган бу аёлни самимий табриклади.

Шунингдек, туман марказий шифохонаси ходимлари айём куни вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ажратилган 100 минг сўмлик дори-дармонни қабул қилиб олдилар.

Паркент шаҳри сайилгоҳида эрта тонгдан кечгача бадиий ҳаваскорлар, матлуботчилар тантана қатнашчиларига хизмат кўрсатдилар.

●

ПИСКЕНТ. Ҳар бир тадбирнинг қизиқарли ўтиши унга қандай ҳозирлик кўрилганлигига боғлиқ бўлади. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Наврўз байрами бу йил ҳам Пискентда ҳар доимгидек шукуҳли ўтди. Хўжаликлар, ташкилот ва корхоналар ҳамда барча маҳаллаларда баҳор байрамига анча барвақт ҳозирлик бошлаб юборилган эди. 21 март куни эрталаб шаҳар марказидаги атрофлари сариштa ҳолга келтирилган майдонда қисқа митинг бўлиб ўтди. Туман ҳокими А. Шерматов байрам намойишига чиққан одамларни Наврўз айёми билан қизғин муборакбод этди. Шундан сўнг бутун шаҳар кўчалари ва истироҳат боғлари бўйлаб катта халқ сайли бошланди.

Куннинг биринчи ярмида туман жамғарма банкининг янги икки қаватли биносининг очилиш маросими бўлди. Тушдан сўнг кечга қадар шаҳар маданият ва истироҳат боғида миллий кураш мусобақалари давом этди.

●

ТОШКЕНТ. Туман ҳокимияти олдидаги очиқ майдонда эрталабдан карнай-сурнайлар овози янгради. Ҳаваскорларнинг қўшиқлари авжга чиқди. Одамлар жамоа-жамоа бўлиб, ўзлари учун белгиланган жойларга ўтириб, Наврўзни тантана қилишга киришдилар.

Асосий тадбирлар бошланишидан олдин ота-боболаримизнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Туманга Қозоғистон Республикаси Сариғоғ тумани меҳнаткашлари вакиллари ҳам меҳмон бўлиб келишган, ўзлари учун ўтов тутишган эди. Тошкентликлар галма-гал қозоқ дўстларнинг ўтовларига кириб меҳмон бўлдилар, ўз навбатида қардошларни ҳам Наврўзнинг тансиқ таомлари билан меҳмон қилдилар. Ош сузилди, норин тортилди.

Ҳар бир жамоа хўжалиги, катта-кичик корхоналар ўзлари етиштирган маҳсулотлар, саноат, озиқ-овқат моллари билан савдо уюштирдилар.

Туманда байрам тантаналари кеч оқшомгача давом этди.

●

ҚИБРАЙ. Маҳаллалар қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида, жамоа хўжаликларида 19—20 март кунлари Наврўз тантаналари кенг нишонланди. Ҳокимлик ташаббуси билан туман маҳалла жамғармаси ва фуқаролар йиғинлари кенгашлари ҳамкорликда ҳар бир қишлоқдан энг ночор яшаётган онлаларни танлаб, уларга биттадан ғунажин ажратдилар ва айём арафасида хонадон соҳибларига топширдилар. Туман ҳудудидаги кам таъминланган оилаларга 60 миллион, Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ва 3 та техникумнинг иқтидорли талабаларинн рағбатлантириш учун 3 миллион 700 минг сўм пул ажратилиб, маблағ байрам кунлари тарқатилди.

Наврўзи олам айёмини 21 март куни туман аҳолиси марказдаги катта майдонда ўтказди.

●

ҚУЙИЧИРЧИҚ. Умумхалқ байрами — Наврўз туман сарҳадларига гуллардан поёндоз ёзиб кириб келди. Марказий ўйингоҳга туманнинг ҳамма томонларидан меҳмонлар йиғилишди.

...Соат миллари соат 10 га занг урди. Туман ҳокими Р. Каримов микрофон олдига келиб, шодиёнада қатнашаётган Тошкент вилояти, пойтахтнинг Сирғали, қўшни Жанубий Қозоғистон вилояти Киров тумани ҳокимликлари ҳамда бошқа туманлардан ташриф буюрган меҳмонларни минбарга таклиф этди. Туман ҳокими йиғилганларни байрам билан қизғин табриклади.

Байрам бошланишида ҳайрия совға-саломларини топшириш маросими бўлди. Боқувчиси йўқ, ногирон ва ёлғиз 240 кишига туман ҳайрия жамғармаси томонидан 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шодиёна, ўйин-кулги, қаҳ-қаҳа тобора авжга минди. Санъаткорлар ва спортчилар байрамга файз киритишди.

Наврўз шодиёнаси «Пахтачи» жамоа хўжалигида ўтган чавандозларнинг улоқ чопиши билан поёнига етди.

●

ЎРТАЧИРЧИҚ. Ҳар қачонгидек, бу туманда Наврўз айёми кўтаринки кайфиятда, катта қувонч билан ўтди. Марказий майдонда савдо кўргазмалари уюштирилди. Аҳолига ош, ҳалим, сумалак тортилди. Кейин тантана қатнашчиларини тумандаги ўйингоҳ чорлади. Бу ерда улар турли спорт мусобақаларини томоша қилдилар. Болажонларга эса Тошкентдан борган қўғирчоқ театри ўз томошаларини кўрсатди.

Наврўз айёмида ҳокимлик, Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни моддий йўқладилар, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Тантана кунида маданият, халқ таълими ходимлари бадиий ҳаваскорлари аҳоли хизматида бўлдилар.

●

ЧИНОЗ. Байрамни ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва жамоа хўжалиги ўз режаси бўйича ўтказди. «Эшонобод» жамоа хўжалигида кўпкари мусобақаси уюштирилди, Амир Темур номли хўжаликда футболчилар куч синашдилар. Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги аъзолари эса ўша куни ҳам наврўз байрамини, ҳам қишлоққа табиий газ келтирилганини нишонладилар. Шаҳар марказидаги хусусий «Дилфуза» кафеси эгалари ўз ҳисобларидан кўзлари ожиз ногиронлар олдига дастурхон ёздилар. Байрам куни шаҳардаги янги ресторанинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Навоий номли жамоа хўжалиги маъмурияти муҳтож оила бошлиқларидан бири Абен ота Исаевнинг неваралари Хуршид ва Жамшидларнинг суннат тўйларини қилиб беришди.

Сирдарё бўйида жойлашган Янги Чиноз шаҳарчасининг «Мингчинор» боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Туманда ўтказилган бу йилги Наврўз марафонида 16 миллион сўмдан зиёд пул йиғилди.

●

ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Ясаниб-тусаниб олган кексаю ёш эрта саҳарданоқ туман марказий стадиони томон оқиб кела бошлади. Чунки, олдиндан бу ерда Наврўз шодиёналарига катта тараддуд кўрилган, жарчилар Наврўзнинг катта шоду ҳуррамлик билан ўтишини дараклаган эдилар. Аввалига элга ош тортилди. Жами харажатларни туман матлубот жамияти ва савдо ширкати ўз зиммасига олди. Йиғилганларни туман ҳокими Наврўзи айём билан муборакбод этди.

Тумандаги «Гулистон» ва Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжаликлари аъзолари ўзлари етиштирган нозneъматларни арзон нархда сотишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъаткор Маҳмуджон Азимов, Ўзбекистон телевидениеси сухандони Абдумўмин Ўтбосаров, «Муножот», «Наврўз» фольклор-этнографик дастаси ва қозоқ театри чиқишлари байрамга файз киритди. Шу куни бу икки ансамблга халқ дастаси деган фахрий унвон берилди. Шунингдек, Тўлқин Болтабоев бошчилигидаги дарбозларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари сайил иштирокчиларига манзур бўлди.

Туманнинг барча хўжаликларида ҳам катта дастурхонлар ёзилиб, Наврўзи айём шоду ҳуррамлик билан нишонланди.

●

ЯНГИЙЎЛ. 21 март куни туман маркази — «Гулбаҳор» қўрғони ўзгача файз ва чирой касб этди. Эрта билан янграган карнай-сурнай наволари туман меҳнаткашларини катта байрам сайилгоҳига чорлади. Бу ерда ташкил этилган расталарда ҳар бир жамоа, ширкат ва фермер хўжаликлари, кичик корхоналар ўзлари тайёрлайдиган маҳсулотларни намойиш этдилар. Туман тайёрлов идораси сайл иштирокчилари учун катта байрам дастурхони тузади, катта дошқозонларда тайёрланган ош ва сумалаклар тарқатилди.

Тумандаги «Ниёзбош», «Тинчлик», «Озод» жамоа хўжаликлари, «Халқобод» ишбилармонлар ва тадбиркорлар уюшмаси раҳбарлари айёмни ўтказишга пухта тараддуд кўрганликлари учун ҳам Наврўз катта завқ-шавқ билан нишонланди. Айниқса, «Тинчлик» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Фазлиддин Юнусов ва Лобархон Абубакировалар учун бу йилги Наврўз қўш-қувончли бўлди. Шу куни шодиёналарга уларнинг бахт тўйлари ҳам уланиб кетди.

А. Ортиқов номли жамоа хўжалигида узоқ йиллар бригада бошлиғи бўлиб меҳнат қилган, ҳозирда эса жамоа хўжалиги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Камол Юнусовнинг 70 йиллик юбилейи Наврўз тантаналари билан биргаликда нишонланди. Уни жамоа хўжалиги раҳбарлари, ҳамқишлоқлари, ёру дўстлари астойдил қутладилар.

ХАБАР

Шу йил 20 март кечаси Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Гўшсой посёлкаси яқинида кўчки юз берди, қурбонлар бор, битта уй вайрон бўлди. Кўчки оқибатларини тугатиш чоралари кўрилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар бўйича республика комиссияси.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент ташкилоти «Овози тожик» газетасининг Бош муҳаррири Шавкат Ниёзовга онаси Раиса Иброҳимовна РАҲМОНҚУЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкент ҳақиқати
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Чиқишга ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г—844. 21950 нусхада босилди. Хажми — 2 босма табоқ.